Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 91 (21. 210) 1992 йил 8 май, жума ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

9 Май Буюк Ғалаба куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИГА, БАРЧА ФУҚАРОЛАРИГА

Азиз ва муҳтарам юртдошларим!

Улуғ Ғалаба куни — 9 май байрами билан барчангизни қутлайман ва муборакбод этаман.

Бугун ғурур ҳиссидан қўнгилларимиз ёришадиган ва айни вақтда бирмунча маҳзун бўладиган кундир.

Ғолиблик туйғусидан фахрланамиз, ғалабани таъминлаб, бизнинг кунларга етиб келолмаган ота-боболаримизнинг муқаддас хотиралари олдида бош эгамиз, тиз чўкамиз.

Муборак осмон мусаффо бўлиши ва шу ёруғ кунларга етиб келишимиз учун кўкрагини қалқон, азиз жонини фидо қилганлар ёди халқ хотирасида абадийдир.

Она диёримизда бирор бир қишлоқ, бирор бир шаҳар йўқ-ки, минг-минглаб хонадонларнинг энг тўрида бизга шу кунларни етказган фидойи инсонларнинг табаррук суратлари жой олмаган бўлсин. Уларга кўз тиккан айрим момоларимизнинг кўзларида ёш ҳалигача қуримаган.

Не-не муҳаббатлар етим, лобар аячаларимиз бефарзанд, сулув келинчакларимиз бева қолишмади бу уруш деб.

Садоқатда тенги йўқ бу инсонлар ҳурматига доимо таъзим бажо келтирамиз.

Ўтганларнинг эса охирати обод бўлсин.

Жангоҳларда жасорат кўрсатганларнинг ҳам, мамлакат ичкарисидаги меҳнат жабҳаларида мардларча тер тўкканларнинг ҳам хотираси ва ҳурмати олдида фақат бундай байрам кунларигина эмас, доимо қарздормиз.

Бугун фахрийларимиз Ўзбекистоннинг мустақиллигини ҳимоя қилишда, мустақиллик йўлида дастлабки дадил қадамларни қўйишда, юртни инқироздан олиб чиқишда, ёшларни тарбиялашда амалий ишлари билан кўпларга ибрат бўлмоқдалар. Бугунги ҳаётимизни уларсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Халқимизнинг маънавий тобланишида, орияти поклашишида, ғурури юксалишида, урф-одатларимиз, удумларимиз тикланишида фахрийларимизнинг ўрни беқиёсдир.

Азиз ва муҳтарам фахрийларимиз!

Дилимиздаги энг муқаддас орзу, ниятлардан бири шуки, яна узоқ йиллар давомида сиз билан бирга бўлайлик.

Нурли манзилларга, қутлуғ кунларга бирга етайлик.

Она заминимизни сиз билан биргаликда улуғлайлик, халқимизни, келажак авлодни фаровон ҳаётга олиб чиқайлик.

Бизнинг орзуимиз Ватан тупроғида бўлаётган ҳар бир тўйнинг тўрига сизни чиқариб, сидқидилдан сизнинг дуоингизни олишдир.

Яратганнинг ўзи сизни ўз паноҳида сақласин. Пок ниятингизга, албатта, етказсин. Узоқ умр берсин. Яқинларингиз, фарзандларингизнинг бахтини кўринг.

Доимо бирга бўлайлик.

Аҳил бўлайлик.

Эл-юртимизни тинчлик-осойишталикда сақлайлик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

1941—1945 йиллардаги фашизмга қарши урушнинг ўзбекистонлик қатнашчиларига, фронт ортида меҳнат қилиб ғалабани яқинлаштирган юртдошларимизга, республикамизнинг барча фуқароларига Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий Ижроия Қўмитасининг

ТАБРИГИ

Қадрли уруш фахрийлари ва фронт орти заҳматкашлари!

Азиз ватандошлар!

Сизларни фашистлар Германияси устидан қозонилган буюк тарихий ғалабанинг 47 йиллиги билан қутлаймиз.

Сизлар жонингизни жабборга бериб, халқларни ёвуз душмандан ҳимоя қилдингиз, Ер курраси фашизм вабосидан озод қилиш йўлидаги қаҳрамонликларингиз инсоният тарихининг ўчмас саҳифаларига олтин ҳарфлар билан абадул-абад битилгандирки, бугун ҳозирги ва келажак авлодлар ҳеч қачон унутмагайлар. Мустақилликка эришган ҳур республикамизнинг ёш авлоди диёримизнинг бугунги ва эртанги равнақи, истиқболи йўлидаги ўз фаолиятларида сизнинг фидойилигингиз, ватанпарварлигингиздан ҳамиша ибрат олажаклар.

Республикамизни иқтисодий тангликдан олиб чиқиш, ижтимоий-сиёсий аҳволнинг барқарорлигини таъминлаш, эл-юрт фаровонлиги, миллатлараро тотувлик ҳамда фуқаролар осойишталиги учун республикамиз раҳбарияти амалга ошираётган барча хайрли ишларга сизнинг баҳоли қудрат қўшаётган ҳиссангизни бениҳоя қадрлаймиз.

Сизларга, оила аъзоларингизга доимий тинчлик, хотиржамлик, узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, барча эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ.

РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ САМАРҚАНДДА

Апрелнинг охири ва май ойининг бошидаги кучли ёғингарчилик самарқандликларнинг ҳам ташвишини кўпайтириб юборди. Ёғингарчилик ойлик нормадагидан бир ярим баравар кўп бўлди, ҳаво икки бараварига совиб кетди. Айниқса, Зарафшон дарёси атрофида жойлашган хўжаликлар майдонларига катта зарар етди.

Аниқланишича 73 минг гектар ердаги чигит қайта бузиб экилиши керак. Шунингдек, 10 минг 600 гектардаги ғалла, 5900 гектардаги маккажўхори ва бошқа экинлар ёмғир остида қолди. 6 минг гектар майдондаги сабзавот, картошка, токзор ва полиз экинлари шикастланди. Жами талофат миқдори 173 миллион сўмни ташкил этди.

Вилоят ҳокимияти зудлик билан талофат оқибатларини тузатиш чораларини кўрди. Барча шаҳар ва қишлоқларда сафарбарлик эълон қилинди. Жумҳуриятдаги вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, мутахассислари амалий ёрдам кўрсатишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 7 май куни Самарқандга келди. Унинг вилоят бўйлаб сафари Самарқанд шаҳрида бунёд этилаётган кечки бозор қурилишини кўздан кечириш билан бошланди, у Сиёб деҳқон бозорида ҳам бўлди. Сўнгра Президент вилоятнинг кейинги ҳафтада табиий офат рўй берган Оқдарё, Челак, Жомбой районлари хўжаликларига бориб, далаларда астойдил ишлаётган меҳнаткашлар билан суҳбатлашди. У Жомбой районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги меҳнат аҳли билан учрашди, далаларни айланди.

Шундан кейин мазкур райондаги Нормамат Эсонтурдиев номли жамоа хўжалигида бир қатор ноҳия ҳокимлари, хўжаликлар раҳбарлари ва мутахассислар билан учрашув бўлди. И. А. Каримов Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсати, жаҳондаги ривожланган мамлакатлар билан ўрнатилаётган дўстлик, маданий ва савдо-иқтисодий алоқалар ҳақида сўзлаб берди. Жумҳуриятимиз, жумладан, Самарқанд вилояти меҳнаткашлари олдида турган вазифаларга тўхталди. Республика Президенти Булунғур, Ургут, Тайлоқ районларида ҳам бўлиб, меҳнаткашлар амалга ошираётган ишлар, уларнинг турмуш шароити билан танишди.

Шу куни Самарқанд шаҳрида вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Республика Президенти мустақил Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда қадимий ва навқирон Самарқанд ва вилоят меҳнаткашлари катта ишларни амалга ошираётганлигини таъкидлади. Вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов самарқандликлар рўй берган табиий офатга қарамай, барча соҳалардаги вазифаларни бажарадилар деб уқтирди.

(«Ўзбекистон овози» — ЎзА мухбирлари).

ОШКОРАЛИК — ДЕМОКРАТИЯ БЕЛГИСИ

БУГУН «МУЛОҚОТ» ДАСТУРИ ДОИРАСИДА УЧРАШУВЛАР БЎЛАДИ

● Ягона иқтисодий макон парчаланиб кетган, шериклик алоқалари узилган шароитда, мураккаб молиявий аҳволда Ўзбекистон Республикасининг халқ хўжалиги бозор муносабатларига ўтмоқда. Шунга қарамай, республикада кўп миллионли аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш учун имкони бўлган ҳамма иш қилиняпти.

8 май куни меҳнат жамоаларида, истиқомат жойларида ўтказиладиган суҳбатларда Ўзбекистон раҳбарияти иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш учун қандай аниқ чоралар кўраётгани, мустақил республика тараққиётининг истиқболлари ҳақида гап боради. Бу «Мулоқот» комплекс программасининг бир қисмидир.

Вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, таниқли иқтисодчилар жамоалар ҳузурига борадилар. Бу учрашувлар ўзбекистонликларни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга жавоб бериши лозим. Ахир, мавжуд муаммолар тўғрисида ошкора, рўйи-рост гапириш имконияти жуда қадрлидир.

Ўзбекистонда эса одамларнинг турмуши яхшироқ бўлиши учун ҳақиқатан ҳам кўп иш қилиняпти. Бу хусусдаги айрим тадбирларга тўхталиб ўтамиз.

Республика аҳолисини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш чора-тадбирлари мажмуини амалга ошириш учун ўтган йили бюджетдан 20 миллиард сўмдан кўпроқ пул сарфланди. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот, илм-фан ходимларининг иш ҳақи 1,7 баравар оширилди. Талабалар ва аспирантлар стипендияларига баракали қўшимчалар олдилар. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронлари, кўп болали оилалар, ёлғиз оналар сезиларли имтиёзлар олдилар.

Фуқароларга солиқ солиш тизими қайта кўриб чиқилди. Эндиликда 550 сўмдан бошлаб даромад солиғи олинади. Республикадаги ўзига хос нуфус вазияти ҳисобга олиниб, мактаб формаси чакана нархини ўртача 50 фоиз, болалар пойабзали нархини 30 фоиз арзонлаштириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Умуман уч кишидан иборат оила учун оилавий бюджетга қўшимча ойига 200 сўмни, 6 кишидан иборат оилага эса ойига 600 сўмни ташкил этади.

Табиийки, бунга эришиш осон бўлмади. Чунки, бир килограмм уннинг таннархи ўртача 23—25 сўмни ташкил этмоқда. Ҳолбуки республикада ун 3 сўм 50 тийиндан сотилмоқда. Ҳозирги кунда нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун дон заҳираси аҳолини нон ва ун билан узлуксиз таъминлаш учун етарлидир. Бундан ташқари 1992 йилда МДҲ республикаларидан Ўзбекистонга дон етказиб бериш ва чет элдан дон сотиб олиш учун шартномалар тузилган.

Гўшт маҳсулотлари хусусида ҳам шундай аҳвол вужудга келмоқда. Қандга келганда эса йилнинг биринчи чорагида давлат савдоси тармоғида қанд учун сарфланган дотация 40 миллион сўмдан ошиб кетди.

Республикада экинларни жойлаштиришни ўзгартириш учун кўп иш қилиняпти. Бу иш мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини анча кўпайтиришга имкон беради. Шу билан бир вақтда қишлоқ аҳолисига суғорма ерлар ажратиб бериляпти. Шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш учун 290 минг гектардан кўпроқ суғорма ер ажратилди.

Бироқ, ҳозирча ҳал этилмаган жуда кўп муаммолар бор, кўпгина ўткир масалалар кун тартибида турибди. Улар қандай ҳал қилинаётганлигини, одамлар келажакда ўзларини нималар кутаётганини билишлари керак. Республика раҳбарларининг меҳнат жамоалари, аҳоли билан учрашувлари, аниқ масалалар юзасидан олиб борадиган суҳбатлари мустақил Ўзбекистон мустаҳкам ўтиб олган демократия йўлини ривожлантиришга кўмаклашмоғи лозим.

«Мулоқот» дастури доирасидаги учрашувлар анъанавий бўлиб қолади.

(ЎзА).

ТАИЛАНД ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТМОҚЧИ

Таиланд ҳукумати Украина билан Ўзбекистонни тан олиш ҳақида бугун қарор қабул қилди. Иккала мамлакат билан элчихоналар даражасида дипломатия муносабатлари ўрнатилади.

МОЛИЯВИЙ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Наманганда вилоят хўжалик фаолларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари корхона ва ташкилотларнинг молиявий-хўжалик аҳволи, уларнинг маҳаллий бюджет билан ўзаро ҳисоб-китоблари ва солиқ солиш тўғрисидаги қонунларнинг бажарилиши масалаларини муҳокама қилдилар.

Солиқ инспекцияси, молия идоралари ва банк муассасалари ходимларининг бюджетни пул билан таъминлаш соҳасидаги фаолиятини кучайтириш, бу соҳадаги қонунларнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш зарурлигига алоҳида эътибор берилди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров, Наманган вилоятининг ҳокими Б. Рапиғалиев нутқ сўзладилар.

(ЎзА).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЁРДАМ ЖАМҒАРМАСИГА

РАҲМАТ АЗИЗЛАР!

Рўзномаларга обуна ўтган йили эски нархларда ўтказилганлиги туфайли ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида «Ўзбекистон овози»ни нашр этишда моддий қийинчиликлар рўй берганлигини айтиб, ҳурматли муштарийларимизга мурожаат қилган ва ёрдам жамғармаси очилганлигини маълум қилган эдик. Мурожаатга жуда кўп ишхоналар, хўжаликлар ва оддий ўқувчилар лаббай деб жавоб беришди. Банк ҳисобимизга ёрдам маблағи пешма-пеш келиб турибди.

● Урта Осиё темир йўлининг Когон шаҳридаги «Бухоро — 1» станцияси локомотив депоси яқинда ўзининг юз йиллигини нишонлади ва шу муҳим сана арафасида «Ўзбекистон овози» ҳисобига 48 минг сўм пул ўтказди.

● Андижон вилоятидаги Олтинкўл халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасидан 10 минг сўм,

● Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳридаги бозор жамоасидан 50 минг сўм.

● Жиззах вилоятидаги Ғалаорол район саноат комбинатидан 2 минг сўм маблағ келиб тушди.

Қадрли муштарийлар!

Ўзбек миллий матбуотининг дарғаси бўлган севимли рўзномангиз ўзининг 75 йиллигига тайёргарлик кўрмоқда. Ҳозирги оғир кунда унга мадад берар экансиз, Ўзбекистон миллий маданияти тизимидаги ўзига хос қадрият бўлиб қолган отахон рўзномага ҳурматингизни билдирмоқдасиз.

«Ўзбекистон овози» ижодий жамоасининг самимий ташаккурини қабул қилинг.

Эслатиб ўтамиз: «Ўзбекистон овози»га ёрдам жамғармасининг «Узагропромбанк»даги ҳисоб-китоб рақами — 000363902, код (МФО) рақами — 172682403.

ХДП: одамлар орасида

ҒАМХЎРЛИК

● Ўзбекистон ХДП Тўрткўл район кенгаши халқ депутатлари район ва шаҳар Кенгашлари билан бирга Ғалаба байрамида ўтказиладиган тадбирларни белгилади.

Шунга асосланиб ХДП район кенгаши аъзолари биринчи гуруҳ Улуғ Ватан уруши ногиронларидан 30 кишининг уйига бориб, уларнинг яшаш тарзи билан танишадилар. Ногиронларнинг ҳар бирига 10 килограммдан шакар, 2 килограммдан гўшт беришади.

Шунингдек, район партия ташкилоти, халқ депутатлари район ва шаҳар Кенгашлари раҳбарлари пахта тозалаш заводида Улуғ Ватан уруши қатнашчиларини қабул қилади. Уларга «Югкаракалпакводстрой» трести жамоаси бепул дастурхон ёзади.

9 май куни Боғёп канали бўйида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган тўрткўлликларга ўрнатилган ёдгорлик ёнидаги қариялар чойхонасида ва унинг олдидаги майдонда театрлашган адабий-музикали томоша кўрсатилиб, чойхонада Улуғ Ватан уруши қатнашчилари учун дастурхон ёзилади. Ушбу бепул овқат ва дастурхон район умумий овқатланиш бўлими томонидан ташкил қилинади.

Майдонларда турли спорт мусобақалари ўтказилади. Маданият ва истироҳат боғларида умумхалқ сайли ташкил этилади. Бундай тадбирлар райондаги барча жамоат ташкилотларида, саноат, транспорт, қурилиш корхоналарида ҳам бўлиб ўтади.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

У КУНЛАР УНУТИЛМАЙДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашида Ғалаба кунига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимияти, партия, касаба уюшмалари ва ёшлар иттифоқи ходимлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатини ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. О. Омонов олиб борди.

— Халқимизнинг Улуғ Ватан урушида кўрсатган жасоратини ҳеч қачон унутиб бўлмайди, — деди у. — Афсуски, Ғалаба кунини нишонлашга турли жойларда турлича мулоҳазалар билдириляпти. Менимча Ғалаба куни инсониятнинг фашизм устидан қозонган ғалабаси сифатида, умумхалқ байрами сифатида нишонланиши керак. Ватанни мудофаа қилишда вилоятимиздан 45 мингга яқин киши қатнашган эди. Лекин улардан кўпчилиги қайтиб келмади. Партия фаоллари лаънати урушнинг асоратларини, буюк Ғалаба аҳамиятини ҳозирги ёшларимизга чуқур тушунтирмоқлари зарур.

Давра суҳбатида сўз олган вилоят Фахрийлар кенгаши раиси С. Усмонов, байналмилалчи жангчи Ф. Умрқулов, партия вилоят кенгаши котиби Р. Г. Ражабов, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларидан Ф. Раҳмонов, И. Жалилов, А. Фаттаев, Н. Билолов, Қарши шаҳар партия кенгаши котиби М. Туробов, вилоят ҳарбий ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари А. Деҳқонбоев ва бошқалар ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада кучайтириш, мустақил республикамиз ҳарбий мудофаасини яхшилаш билан боғлиқ вазифалар тўғрисида гапирдилар.

Давра суҳбатида вилоят ҳокими ўринбосари Р. Р. Раҳмонов, вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби П. С. Бердиевлар ҳам сўзга чиқдилар.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФУТБОЛ

НАВБАТДАГИ ТУРДА

● ОЛИЙ ЛИГА жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг 9-тур ўйинлари қуйидагича якунланди:

«Сўғдиёна» — «Мароқанд» — 2:1
«Кимёгар» — «Янгиер» — 2:0
«Нефтчи» — «Наврўз» — 2:0
«Шаҳрихонча» — «Навбаҳор» — 0:0
«Косонсойчи» — «Нурафшон» — 1:0
«Пахтакор-79» — «Трактор» — 1:0

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов 7 май куни Тошкентда Чехия ва Словакия Федератив Республикасининг Москвадаги фавқулодда ва мухтор элчиси Рудольф Сланскийни қабул қилди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Чехия ва Словакия Федератив Республикаси ўртасида элчихоналар даражасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги ноталар айирбош қилинди.

Маросим тугагандан сўнг турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликка доир кўп масалалар ҳамда иккала томонни қизиқтираётган халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

МАФКУРА, ПАРТИЯ, ҲОКИМИЯТ

МАСАЛАНИНГ ЎЗАГИ НИМАДА?

Мафкура — КПСС ҳукмронлик қилган йилларда тез-тез ишлатиладиган сўзлардан бири эди. Энди эса у гўё илгари бўлмагандек бирданига истеъмолдан йўқолди-қолди. Авваллари биронта кенгаш ёки мажлис ўтказилдими, бас, гап мафкуравий ишлар, одамларнинг тарбияси ҳақида ҳам борарди. Рўзномалар, ойнаи жаҳон-у овознигорлар ҳар куни шу тўғрида сўз юритарди. Бу борада минглаб диссертациялар ёқланганки, оқибатда ўзига хос бутун бошли фан тизими вужудга келган эди.

Мана энди бу сўз ғазабга йўлиққандай кўринади. Афтидан, ҳозирги партия ходимларини ушбу муаммо қийнаётганга ўхшайди. Яъни, мафкура деган сўзни ишлатдингми, муҳолифлар ўша заҳоти сени КПССнинг шайдоси ва у қилган барча гуноҳларга шерик қилиб қўйиши мумкин. Бундай қараганда, мафкура сўзи у ёқда турсин, мафкуранинг ўзи қолганмикан? Гап шундаки, бундан бир неча йил муқаддам бутун ҳаётимиз энига ҳам, бўйига ҳам мафкуралаштирилган бўлса, энди бирданига қандайдир бўшлиқ пайдо бўлганга ўхшайдими ёки ҳаётнинг ўзи бошқа йўлдан боряптими?

Нима ҳам дердик, Компартия бизда ўтмиш бўлиб қолди. Аммо, мафкура йўқолиши мумкинми? Бугунги кунда унинг ўрнига нимадан фойдаланяпмиз? Ёки ғоявий танглик мавжудми? Ҳозир ҳамма ёқни эгаллаб бораётган шарм-ҳаёсизлик, аҳлоқсизлик, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, ўзгалар ҳисобига ҳаёт кечириш, порахўрлик, қотиллик мафкуранинг ўрнини эгаллаб олмадимикан?

Агар аҳвол бундан кейин ҳам шу тарзда давом этадиган бўлса, у ҳолда жамиятимиз маърифатли дунё мамлакатлари қаторига чиқишга эриша оладими? Ва ниҳоят, бугунги кунда бизда бутун жамиятни бирлаштиришга қодир бўлган, ҳар бир киши онгли равишда ва ўз хоҳиш-иродаси билан эркин-эмин меҳнат қилиб, жамият фаровонлиги йўлида ишлашга интилишини таъминлай оладиган ғоялар борми? Агар бўлса, унда мазкур ғоялар қаерда? Улар қандай деб аталадилар?

Биз ана шундай саволлар билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаш матбуот, ахборот ва тарғибот бўлими мудири Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ ҳузурига ташриф буюрдик. Назаримизда, у билан суҳбатимиз бошқа масала муҳокамасидан бошланди. Суҳбатдошимиз мулоқотни партия ҳақидаги ўз мулоҳазаларидан бошлади.

— Партия нима дегани? Бу саволга турлича жавоб бериш мумкин. Бироқ, масаланинг моҳияти шундаки, ҳар қандай сиёсий партия, энг аввало, ҳокимият учун кураш воситаси ва шаклидир. Ҳамма вақт шундай бўлиб келган. Албатта, ҳақиқий демократик жамиятда шундай бўлади. Амалда дунёнинг ҳар бир мамлакатида ҳозир бир нечта, баъзан эса ўнлаб сиёсий партиялар мавжуд экан, аҳволнинг шу тарзда кечиши кераклигига менда шак-шубҳа йўқ. Демак, ҳар қандай сиёсий партиянинг асосий мақсади—ўзи белгилаб олган вазифаларни рўёбга чиқариш учун ҳокимиятни эгаллаб олишдан иборатдир. Ушбу вазифани уддалаган ва ҳукуматдаги асосий лавозимларга ўз вакилларини қўйиш имкониятини қўлга киритган партия ҳукмрон партияга айланади.

— Демак, бини ХДПга таллуқли десак бўлар экан-да!

— Ҳа, лекин озгина «аммо»си бор. Гап шундаки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси қандай вазиятда ҳукмрон партия бўлганлигини унутмайлик. Чунки парламентда бу кўпчилик ўрнини кўппартиялилик асосидаги сайловлар орқали эгаллагани йўқ. Бўлажак Ўзбекистон халқ депутатлари 1990 йил бошларида сайлов участкаларида партиявий рўйхатлар асосида қайддан ўтмаганлар. Ўшанда жумҳуриятдаги сиёсий вазият шундай эди. Компартия ягона ва амалдаги ҳукмрон сиёсий куч эди. Аксарият ҳозирги депутатлар шахс сифатида ўзларини кўрсата олганликлари боисдан эмас, балки улар партия ташкилотлари томонидан у ёки бу даражада қўллаб-қувватланганликлари туфайли сайланганлар. Табиийки, улар партия ташкилотлари олдида ўз зиммаларига ҳеч қандай мажбурият олишмаган. Кейинчалик кўпгина депутатлар янги тузилган ХДП сафларига киришди.

Бунинг устига ХДП нинг амалда халқ депутатлари Олий Кенгашини ҳам, маҳаллий кенгашларни ҳам шакллантиришга иштирок этмаганлигини ҳисобга олайлик. Негаки, Советларга сайловлар ўтказиш пайтида ХДП нинг ўзи йўқ эди.

Афсуски, мана шу сабаблар ва бошқа ҳоллар туфайли вазирликлар ва идораларнинг, ҳокимият маҳаллий органларининг раҳбарлик лавозимларига кадрлар ХДП Марказий Кенгаши ва унинг жойлардаги органлари берган қатъий тавсиялар асосида қўйилянти, деб бўлмайди. Шу боисдан ҳам партиямизни ҳозирча том маънодаги ҳукмрон партия деб аташ мумкинмикан?

Албатта, ХДП ташкилотлари унинг ҳар қандай «аммосиз» амалда ҳукмрон фирқага айланиши учун ҳаракат қилишлари лозимдир. Бу ўринда ХДП Раиси И. А. Каримовнинг кўппартиялилик, муқобиллик асосида умумхалқ сайловида Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлиги муҳим аҳамият касб этади. У Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши IV пленуми иштирокчилари эътиборини бунга ва бошқа омилларга қаратиб, улардан партия обрў-эътиборини мустаҳкамлашда фойдаланишга чақирди.

— Сўзингиздан яна эскичасига ишлаш керак, деган маъно чиқмаяптими! Партия яна кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйиш вазифасини ўз ихтиёрига олмаяптими! Агар шундай бўлса, ХДП билан Компартиянинг ўртасида қандай фарқ бор!

— Хўш, сизлар нимани истардингиз? Партия кадрлар масаласини ҳал этишдан ўзини четга олсинми? Унда унинг ҳукиронлиги қайда қолади? Ахир, масаланинг бутун моҳияти ва маъзи айнан шунда-ку. Агар у ўз вакилларини раҳбарлик лавозимларига кўтармайдиган бўлса, у ҳолда партиянинг ҳокимият учун кураш олиб боришидан қандай маъно бор? Ҳокимият дегани фақат президентликдан иборат эмас. Ҳукумат ҳам, парламент ҳам, ҳокимликлар ҳам, барча даражадаги бошқа давлат бошқаруви тузилмалари ҳам деганидир. Сиз ўйлайсизки, ҳар қандай бошқа партия ҳокимият тепасига келгач, раҳбарлик лавозимларида эски кадрларни қолдиради, деб. Асло ундай эмас. У ҳам барча асосий лавозимларга ўз одамларини ўтқазишга зудлик билан киришади ва буни ўзининг биринчи даражали вазифаси, деб билади. Буни тушунмаслик, ўта соддалик ва гўллик бўлур эди.

Албатта, бундай ҳолатни Компартия қилиб келган ҳаракат билан ҳеч қандай ўхшатиш мумкин эмас. Компартия якка ҳукмрон сиёсий куч сифатида жамиятдан ҳам, давлатдан ҳам устун турар эди. Мана шу мантиққа кўра унинг бошқа барча масалалар каби кадрларга оид қабул қилган қарорлари аслида қонун кучига эга эди. Бундай иш ҳозир бизнинг партиямизга хавф солаётгани йўқ. ХДП фақат тавсия беради. Айни пайтда у ўз номзодларининг раҳбарлик лавозимларга тайинланишига ёки сайланишига сўзсиз эришиш учун ҳаракат қилади. Чунки, бундай устунлик демократик қоидаларга асосланади. Бошқа партиялар ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Модомики биз кўп партиялилик шароитида ишлаётган эканмиз, сиёсий рақобатчилик негизида ҳаракат қилишимиз лозим.

— Яхши. Партия сайловларда ғалаба қозонгач, у ўз вакилларини етакчи лавозимларга ўтқазиш учун кураш олиб борди ҳам дейлик. Бироқ, партия тавсия қилган одамлар нима учундир миннатдорчилик билдирганликлари, боз устига партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш учун жон куйдириб ишга киришаётганликлари сезилаётгани йўққа ўхшайди. Айрим раҳбарлар ҳатто ХДП аъзоси эканликларидан уялаётган кўринадилар. Улар бунда ХДП дан ўзларини айри тутишга, мустақил эканликларини кўрсатишга интилмоқдалар. Ёки биз янглишаяпмизми!

— Умуман олганда, партиявий тузилмалар билан ҳокимият ўртасидаги бундай ўзаро муносабатларнинг асосий сабаблари хусусида юқорида айтиб ўтдик. Бироқ, уларга қўшимча қилиб, шуни таъкидламоқчиманки, кўпчилик одамлар ҳозирча ХДП нимага қодир экан, деб четдан кузатиб туришибди. Ахир ХДПнинг ўзи ҳам ҳозир шакланиш жараёнида бўлиб, ўзини тўла-тўкис намоён этишга улгура олгани йўқ-ку. Бошқалар эса тўғридан-тўғри ўзларини ҳаммага, ХДП га ҳам, бошқа муҳолиф сиёсий кучларга ҳам яхши кўрсатишни истайдилар. Сиёсатда эса бир пайтнинг ўзида «икки бойга бир малай» тарзида хизмат қилиш билан узоққа бориб бўлмайди. ХДПнинг яна шундай раҳбарлик лавозимларидаги аъзолари борки, улар гўё партияга ишлаяпмиз, деб миннат ҳам қилмоқчи бўлишади. ХДПга аъзоликка кириб раҳбарлик курсисига ўтиргач, кейин эса партиянинг фаолияти ва ғам-ташвишларидан ўзини четга олган кишилар калтафаҳмлик қилаяптилар, деб ўйлайман. Хўш, улар нимага ишонадилар? Бундай раҳбар ўзи ўтирган курсининг мустаҳкамлиги партиянинг обрў-эътиборидан, ёки шунчаки ҳавони кўзғатиб юрган бир ташкилотдир. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

— Фараз қилайлик, ХДП аъзосини у ҳисобда турган тегишли партия ташкилотининг тавсиясисиз раҳбарликка тайинлашди. Унда нима бўлади!

— Бундай вазиятда мазкур партия ташкилоти ушбу раҳбарни қўллаб-қувватламаслиги, зарурат туғилганда эса унга нисбатан муҳолифликка ўтиши мумкин. Чунки, мазкур шахснинг тавсия этмаган. Номзод партия ташкилотида муҳокама қилинган, шу ташкилотнинг оқ фотиҳасини олган бўлса, ана шундагина у раҳбарлик лавозимида барқарор туради деб айтиш мумкин.

— Оқ фотиҳа олган номзодларнинг хато қилишига, хизмат вазифасини суиистеъмол этишга йўл қўймаслигига кафолат борми! Баъзида ҳалиги номзод умуман раҳбарликни эплай олмаслиги мумкин.

— Ҳаммаси мумкин. Лекин энг асосий кафолат уни тавсия қилган партия ташкилотининг обрў-эътиборидир. Кадрлар масаласида йўл қўйилган ҳар бир хато партиянинг обрў-эътиборига жиддий зарба бўлиб тушади. Табиийки, ўрни келганда таваккалчилик ҳам керак. Лекин, кадрлар масаласида хатосиз бўлиш мақсадга мувофиқдир. Дарвоқе, ҳозир ҳам эски одатга кўра, раҳбар кадрларни кўтаришда йўл қўйилган хатолар учун, гарчи бевосита алоқадор бўлмасакда, бизни, партияни айблашаяпти. Бундай қараганда, аччиғимиз чиқишига асос бор. Лекин, бошқа томондан эса, биздан ҳафа бўлишяптими, демак, ХДПга ишонишади, аҳволнинг ўнглаб олинишига умид қилишяпти, деган ишонч бизга куч-ғайрат бағишлайди.

— Абдулҳафиз Мараҳимович, раҳбар кадрларга оид саволимизга жавоб олдик ҳисоби. Дарҳақиқат, раҳбар кадрлар учун ХДП дек кучли мададга суянишда маъно кўп. ХДП эса ўз навбатида ўзининг дастурий мақсадларини ҳокимият ва бошқарув органларидаги партия аъзолари орқали рўёбга чиқаради. Аммо, партияга оддий кишининг аъзо бўлиб киришидан қандай манфаат бор!

— Аминманки, ҳар бир киши, ҳар бир инсон бундан ўзи учун, шахсий манфаати учун нимадир топади. Айтгандек, Компартияда ҳам шундай эди. Тўғри, у ерда одамлар ўзларининг мақсадларини баландпарвоз сўзлар ва шиорлар билан ниқоблашган. Агар шахсий манфаатдорлик бўлмаса, у ҳолда ҳеч ким биронта партияга—бизникига ҳам, бошқасига ҳам аъзо бўлиб кирмайди. Муболағасиз айтаманки, бу дунёда ҳамма нарсани Манфаат Ҳазрати Олийлари бошқаради. Манфаат эса турлича бўлиши мумкин. Менинг ҳам шахсий манфаатим бор. Сизники ҳам бор. Хуллас, ҳамманинг ўз манфаати бор. Булар моддий манфаат бўлиши мумкин. Маънавий, сиёсий ва бошқа турдаги манфаатлар бўлиши мумкин. Кўпгина одамлар партияда ўзларининг шахсий ижодий, маънавий эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий-сиёсий соҳада ўзларини рўёбга чиқариш имкониятини кўрмоқдалар. Бунда албатта қандайдир ёмонлик, ҳудбинлик бор, деб ўйлаш тўғри эмас. Чунки бу табиийдир. Негаки, ўзида шахсийлик билан ижтимоийликни муштарак тарзда мужассамлаштирган инсоннинг табиати асли шундай. Буни биз эндиликда бўлса ҳам тушуниб етаётганлигимиз яхши. Ҳар бир инсоннинг муайян, аниқ манфаатларини ҳисобга олиш, эндиликда ниҳоятда муҳимдир. Агар Коммунистик партия бутун совет халқи фаровонлиги учун курашни ўзига шиор қилиб, алоҳида шахси эътибордан четда қолдирган бўлса, ХДП ҳар бир инсоннинг манфаатлари, талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун ижтимоий шарт-шароитларни яратишга интилмоқда. Ахир, халқ айрим-айрим одамлардан ташкил топади-да.

— Ниҳоят ҳузурингизга бизни ташриф буюришга мажбур қилган муаммоларга яқинлашган кўринамиз.

— Менимча, биз бу муаммолардан четга чиққанимиз йўқ, аслида. Агар кадрлар танлаш ва жойжойига қўйишни фақат ташкилий, тор доирадаги идора иши деб ўйласак хато қилган бўламиз. Негаки, ўзини ҳурмат қиладиган ҳар қандай партия у ёки бу лавозимга номзодларни танлаб, тавсия қиларкан, уларнинг у ёки бу лавозимга муносиблиги даврнинг энг юксак талабларига жавоб беришидан ниҳоятда манфаатдордир. Бу кадрлар юксак лавозимга кўтарилгач, ўз партияларининг халқ қўллаб-қувватлаган дастурий вазифаларини ҳаётга тадбиқ этишга тайёр бўлишлари керак. Дастурий мақсадларда эса партиянинг ғоявий, мафкуравий жиҳатдан асосланган ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари қисқа ва лўнда ҳолда мужассамланган. Партия тавсия этган кадрлар табиийки, шу партиянинг мафкурасига риоя қилишлари шарт. Бу мафкуранинг асосий қоидалари қуйидагича.

Ўзбекистон ХДП асосий йўналишлар сифатида ўзи учун инсонпарварлик ва демократия ғояларини, инсон ҳуқуқларини, меҳнат кишиларининг, айниқса, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишни белгилаб олган. Партиямиз жамиятнинг шундай сиёсий ва давлат тузилмасини бунёд этишга азму қарор қилганки, бу жамият ҳар бир кишига сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш шаклларини Ўзбекистоннинг тўла давлат мустақиллигини қўлга киритиш, уни замонавий жаҳон ижтимоий тараққиёти даражасига олиб чиқиш орқали эркин танлаш ҳуқуқини кафолатлайди.

Партия бундай жамиятни бунёд этиш учун мафкуравий база сифатида қандай асосий қоидаларни олға суряпти? Энг аввало, бу жамият сиёсий ва иқтисодий эркинлик, демократия, тенглик, ижтимоий адолат қарор топган жамият бўлиши керак. Бу жамиятда:

— барча фуқароларга давлат ва жамоат ишларида, иқтисодиёт ва маданиятда, сиёсий ҳаётда тенг ҳуқуқлилик асосида қатнашишга кафолат берилади;

— мулкчилик ва меҳнат барча хиллари тенг ҳуқуқлилиги, ишбилармонлик ва рақобат таъминланади, жамиятда иқтисодий, хўжалик ҳаётининг мафкура билан йўғрилишига йўл қўйилмайди.

— ягона мафкура, ягона дунёқараш якка ҳокимлик қилмайди. Сўз ва виждон эркинлиги, умуминсоний қадриятлар ва инсонпарварлик кафолатланади, илм-маърифатлилик камол топади, барча халқларнинг анъаналари ва урф-одатлари, диний эътиқоди, тили ва маданияти ҳурмат қилинади.

Партия бундай жамиятни барпо этишнинг асосий йўли, фуқаролар ўртасида тотувликни, миллатлараро иноқликни тўла таъминлаш, ҳамма нарсада ва ҳамма вақт қонунчиликка ва тартиб-интизомга риоя этишда, деб билади.

Кўриб турибсизки, ХДП Дастурида умуминсоний қадриятлар, ҳар бир конкрет шахснинг ҳуқуқлари, энг муҳими—инсоннинг мулкка эга бўлиш ҳуқуқи асрлар давомида синовдан ўтган, халқимизнинг бой маънавий ҳазинасидан ўрин олган энг яхши фазилатлар, устивор йўналишлар қилиб белгиланган. Бизнинг мафкурамизнинг асосий моҳияти ана шундан иборатдир. Бу мафкура оламшумул ва миллий демократик, инсонпарварлик фикрнинг ижобий мазмунини ўзига мерос қилиб олган. Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси ҳозирча гапдангина иборат бўлиб кўринишги мумкин. Негаки, Дастур моҳияти билан бундан ортиқ нарсага даъво қилмайди. Лекин дастурий мақсадларнинг бир қисми ҳозирдаёқ бажарилмоқда. Партиянинг ғоявий йўл-йўриқларининг асосий қоидаларини бирма-бир ишлаб чиқиш учун назариётчиларимизга эса вақт керак. Дастурий мақсадларни ҳаётга тадбиқ этиш эса республикамизнинг гуллаб-яшнаши, унда яшовчи кишиларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ким учун азиз бўлса, уларнинг амалий вазифасидир.

— Ажойиб қоидалар, олижаноб мақсадлар. Лекин, бундай мақсадлар неча марталаб эълон қилинган. Кенг кўламдаги дастурлар қабул қилинган. Буларнинг ҳаммаси эсимизда турибди. Оқибати нима бўлди! Бош мафкурачи — КПСС сиёсий саҳнани ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Жаҳон ҳамжамияти кўз ўнгида марксизм-ленинизмнинг «ўлмас» ғоялари барбод бўлди. Ахир, ўтган ўн йилликлар мобайнида ҳар хил минбарлардан туриб неча марталаб, Маркс таълимоти тўғри бўлганлиги учун ҳам қудратлидир, деган, бир қарашда исбот талаб қилмайдиган шиорлар айтилган эди-ку!

— Хўш, нима бўпти? Мен ҳозир ҳам айрим кишилар каби мана шу таълимот асосчилари қашф этган кўпгина муҳим қоидалардан воз кечишга шошилмаяпман. Қанни айтингчи: «Ғоялар омма онгини эгаллагандагина моддий кучга айланади», деган сўзларга ким ҳам қаршилик билдира олади? Ёки бошқасини олайлик. Унда шундай дейилади: «Ғоя ҳар safар манфаатлардан ажралиши биланоқ, у ўзини ўзи шарманда қилади».

Ушбу пурхикмат сўзларнинг муаллифи назария ҳаётга интилиши керак, бироқ бунинг ўзи етмайди, балки ҳаётнинг ўзи ҳам тафаккур сари ҳаракатланиши керак, деб уқтирган. Акс ҳолда бир буюк тарихчи таъкидлаганидек, ҳар қандай ақлли ғоя бемаъни муҳитда бузилади.

Сизлар юқорида эслатган яхши ниятлар ҳам мана шундай аянчли аҳволга тушиб қолганлигига сабаб шу. Биз гўё ўрмонни кўрдик-ку, аммо алоҳида-алоҳида дарахтларни кўрмадик. Ҳар бир инсоннинг шахсий манфаатларини тан олмадик ёки эсдан чиқариб қўйдик. Шу тариқа аслида яхши бўлган ғоя бизнинг ношудлигимиз сабабли ҳам бадном бўлди. Лекин бунда ғоянинг ўзини айблаб бўладими? Мозийнинг далолат беришича, энг яхши ўйланган режалар ҳам уларнинг ижрочилари ношуд бўлганликлари туфайли амалга ошмай қолганлар. Сизлар билан баҳслашмаман, бунинг тескариси ҳам бўлган.

— ХДП Дастури ҳақида нима дейиш мумкин!

— У ҳар қандай Дастур каби ўзида халқимизнинг ҳаётидаги барча ранг-баранг қирраларни, барча муаммоларни жо қилолмаган, қилиши ҳам мумкин эмас. Бироқ асосий мақсадлар ва йўналишлар унда белгиланган.

Энг асосийси ва муҳими Дастурда барча ижтимоий қатламлар ва миллий гуруҳларни бирлаштирувчи ғоя бор. Бу меҳнат кишиси ва ҳар бир оиланинг моддий ва маънавий фаровонлигини таъминлашдан, одамларнинг миллати, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан, диний эътиқодидан қатъи назар, улар учун муносиб ҳаёт тарзини ва осуда ҳаётни таъминлашдан иборатдир.

Демак, ҳар бир киши учун унинг ўзидаги ижодий имкониятларни рўёбга чиқариш, ўз билим, истеъдод ва куч-ғайратини тадбиқ этиш имкониятлари очилади.

Ҳозирги пайтда партия, аввало унинг мафкура билан шуғулланувчи ходимлари олдида турган биринчи даражали вазифа — ХДПнинг дастурий мақсадларини ҳар бир меҳнат жамоасига, республиканинг ҳар бир фуқароси онгига етказишдан иборатдир. Дарвоқе, муҳолифларимиз ҳам шундай қилишга интилишяпти. Фарқи шундаки, муҳолифчи партиялар ҳокимиятга нисбатан танқидий позицияда туришибди. Кўп партиялилик қоидасига амал қилинадиган барча демократик мамлакатлардаги ҳар қандай муҳолифчилар шундай қиладилар. Бундан жудаям ҳафа бўлиш керакми йўқми, бу бошқа масала.

Фикримча, ўта тушкунликка тушиш учун асос йўқ. Аксинча, агар муҳолифчилар маъмурларнинг, ҳукмрон партиянинг ҳар бир сўзини ва хатти-ҳаракатини гулдурос қарсаклар билан кутиб олса, унда шубҳага тушиш мумкин эди. Шу билан бирга ҳар қандай танқид асосли, ижобий, масъулиятли бўлгандагина, у жамият учун ҳам, муҳолифият учун ҳам фойдали бўлур эди.

— Шу муносабат билан Сиз ХДП билан муҳолифиятнинг имкониятларини қандай баҳолайсиз!

— Қонун доирасида имкониятларимиз бир хил. Ҳукмрон партиянинг устунлиги одатда унинг қўлида ҳокимият борлиги билан боғлиқ бўлади. Муҳолифиятнинг кучи эса унинг холисона балки танқидчилиги билан белгиланади. Тўғри, бу ўринда ҳам масалага ойдинлик киритиш лозим. Ҳар қандай ташвиқотнинг (аксилташвиқотнинг ҳам) самарадорлиги — эълон қилинган ғояларнинг халқ манфаатларини кўзлаган амалий сиёсатга мос келиши билан белгиланади. Фақат шундагина бу сиёсий партияда ўз томонига сайловчиларнинг кўпчилигини оғдириб олиш ва навбатдаги сайловларда ғолиб чиқиш учун тўла имкониятлар пайдо бўлади.

Ҳукмрон партияга келсак, у ўзи ишлаб чиққан сиёсатнинг тўғрилигини амалий иш билан исботлашга мажбурдир. У шу тариқагина халқ манфаатларига содиқ эканлигини исботлай олиши ва унинг ишончини оқлаши мумкин.

— Демак, масала ойдинлашиб қолди. Биз суҳбатимизни нима билан бошлаган бўлсак, яна шу мавзуга келиб тўхтаяпмиз. Бу партия ва ҳокимият, партия ва халқ масаласидир.

— Ҳа. Партия ва ҳокимият. Партия ва халқ. Бошқача айтганда, халқнинг кўпчилиги кимнинг кетидан эргашса, шу партия парламентда кўпчилик ўрнини эгаллайди. Парламентда ким кўпчиликни ташкил этса, у ижроия ҳокимиятни шакллантириш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар партия сайловгача ўз ғалабасига заминни таъминлай олмаса, унинг ҳам қонунчилик, ҳам ижроия ҳокимият органларидаги, ҳукуматдаги вакилларининг тақдири ҳам ҳал бўлди, деяверинг.

Шу муносабат билан раҳбарлик курсиларини эгаллаган, аммо уни шу лавозимга тавсия қилган партиянинг обрў-эътиборини мустаҳкамлаш учун амалда ҳеч нима қилмаётган ХДП аъзоларининг фаолиятсизлигини, уларнинг ҳамон ширин уйқуда эканликларини кўриб, таажжубланаётганлигимни яшира олмайман. Бу сусткашлик эртага уларнинг оёғидан чалиш турган гап.

Мен улардан сўрамоқчиман: ҳукмрон партия ёки уларнинг ҳокимият органларидаги вакиллари шу йўлда етарли амалий иш қилмас эканлар, эртага халқнинг ишончини ва обрў-эътиборини қандай қилиб қозонар эканлар? Қуруқ гап биланми? Қачонгача улар сусткашлик қиладилар, кузатувчилик позициясида турадилар? Ахир халқнинг тоқати тоқ бўлиши мумкинку. Унда кеч бўлади, халқ ўзининг ўзил-кесил ҳукмини чиқариши мумкин.

Халқ демократик партиясининг барча аъзолари КПССнинг яқиндаги мағлубиятидан сабоқ чиқаришлари лозим. Ҳозир давр бошқа. Ҳукмрон партияга (бизни шундай деб аташяпти) нисбатан талаблар қаттиқ ва муросасиз бўлади.

Шундай экан, партия ўз аъзолари бўлмиш раҳбарлардан партиянинг Дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда фаол иштирок этишларини талаб қилишга ҳақлидир. Талаб қилишгина эмас, балки улардан қаттиқ сўраши, агар бундай фаолиятсизлик давом этаверса, бу каби раҳбарларни эгаллаб турган лавозимларидан четлаштириш масаласини қўйиш даркор бўлади. Ҳа, масала ғоят жиддий. Бошқа йўл йўқ. ХДП Дастурида белгиланган вазифаларни масъулиятсизлик билан бажариб бўлмайди. Бу йўлда масъулиятсизлик ва сусткашликка ўрин бўлмаслиги керак. Мен бунда биз нимани хоҳлаймиз ва уни қандай йўллар билан рўёбга чиқарамиз, деган масалага жавоб берадиган мафкурамизнинг асосий қоидаларидан бирини кўраман.

Суҳбатдошлар:
О. САИДОВ,
В. ЧЕБОТИН.

Ном ҳам зийнат

БУДЕННИЙ ВА БОШҚАЛАР

● Мустақиллик шарофати туфайли ҳар бир жойнинг ўз номи билан аташга аҳамият берилянти.

Яккабоғ районидаги Хўжаилғор қишлоғи тарихий манбаларга қараганда жаҳонгир Амир Темур таваллуд топган жой. Бу қишлоқ «Ленинизм» колхози худудида жойлашган. Жамоа хўжалиги кўпчиликнинг талаби билан Амир Темур номига расмийлаштирилди.

Марҳум Абдураззоқ Ҳолиқов райондаги «Ленин учқуни» колхозининг асосчиларидан бири. У узоқ йиллар колхозга раислик қилди. Жамоа хўжалиги ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий ривожланган колхозга айланди. Амалга оширилган савобли ишлар унинг номи билан боғлиқ. Хўжаликнинг Абдураззоқ Ҳолиқов номи билан аталишидан кўпчиликнинг мамнун бўлиши ҳам шундан.

Хисор тизма тоғларидаги Яккабоғ заводи ҳам таниқли хўжалик. Аммо завод узоқ йиллар давомида Будённий номи билан юритилиб келди. Ҳисорликлар хўжалик номини ўзгартириш ҳақида юқори ташкилотларга мурожаат қилдилар. Меҳнаткашларнинг ҳақли талаби рўёбга чиқди. Давлат хўжалигига — «Ҳисор» номи берилди.

— Бошқа кўпгина давлат ва жамоа хўжаликлари номини ўзгартириш ҳақида ҳам қатор таклифлар ўртага ташланмоқда, — дейди Яккабоғ район ҳокими Темир Шоназаров. — Чунончи, Калинин номли колхозга Каттабой Ашуров, «Коммунизм» колхозига Узоқ Мирзаев, Энгельс номли колхозга Жуман Меҳлиев, Ульянов номли колхозга Бойқул Худоёровлар каби жамоа хўжаликларига асос солган ва уларнинг юксалишига ҳисса қўшган раислар номини бериш ҳақида таклифлар тушмоқда. Таклифларни ҳисобга олишга ҳаракат қиламиз.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози» материаллари изидан

«КАРВОНИДАН АЙРИЛГАН САРБОН»

● Рўзномамизнинг шу йил 26 март сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада жумҳуриятимизда туячиликнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилиб, кейинги вақтда бу муҳим соҳага бўлган эътибор сусайтириб юборилганлиги танқид қилинган эди. Унда кўтарилган масалалар хусусида ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ЖУМҲУРИЯТ «ҚОРАКЎЛ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИдан расмий жавоб олинди.

— Мақола жумҳурият «Қоракўл» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти томонидан атрофлича кўриб чиқилди. Дарҳақиқат, туячилик ва жумҳурият қоракўлчилиги бир-биридан ажралмайдиган соҳа ҳисобланади. Туя гўшти, жуни ва унинг шифобахш сути — шубҳасиз, ҳозирги ва келажак авлодлар учун ҳаётий аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда ер ости ва ер усти бойликларини ишлатиш, ишлаб чиқариш ва ҳаётимизнинг барча соҳаларини экологлаштириш, ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасини ислоҳ этиш, ислоҳотларнинг ҳаётий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳалар

• *Шогирдлар таъзими*

МУНОСИБ ҲИССА

Ҳар бир инсоннинг туғилган куни ҳақида ўйлаганда босиб ўтган йилларда қилинган ишларнинг якунига эътибор берилади. Биз Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Иброҳимжон Искандаров билан ёнма-ён ишлар эканмиз, унинг фидойилигининг, янгилик устида изланишлар олиб бораётганининг, ўз тажриба ва билимини ёшларга ўргатаётганининг, илм-фанга муносиб ҳисса қўшаётганининг гувоҳи бўламиз. Ҳақиқатан ҳам у иқтисод фанининг юксалишига муносиб ҳисса қўшаётган олимлардан.

И. Искандаров халқ хўжалиги иқтисодиёти соҳасидаги таниқли олим. Унинг республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларига бағишланган бир қатор илмий асарлари амалиётда кенг қўлланилмоқда. Шунингдек, олим пахта мажмуининг иқтисодий муносабатини такомиллаштиришга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

У 1932 йилда Чимкент вилояти, Сайрам районининг Қорамурт қишлоғида туғилди. 1953 йилда Тошкент молия-иқтисод институтини тамомлади. 1961 йилда эса Москва давлат иқтисодиёт институти аспирантурасини битирди.

Ўз меҳнат фаолиятини Бухоро вилоятида оддий молия хизматчиси лавозимидан бошлаган И. Искандаров Ўзбекистон давлат режалаш қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши раисининг муовини, Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати, фан соҳасида эса кичик илмий ходимдан Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти лавозимигача бўлган ибратли йўлни босиб ўтди. Олим қатор иқтисодий илмий муассасаларга, жумладан Ўзбекистон давлат режалаш қўмитаси илмий-текшириш институтига, Ўзбекистон Фанлар академияси иқтисодиёт институтига, Тошкент халқ хўжалиги институтига, Ўзбекистон Фанлар академияси фалсафа, иқтисод ва ҳуқуқ фанлари бўлимига, республика «Билим» жамияти ва илмий иқтисодий жамиятларга раҳбарлик қилди. Ўзбекистон Фанлар академияси президиумининг бош илмий котиби лавозимида ишлади.

У Ўзбекистонда ижтимоий фанларни ва айниқса, иқтисодий фанларни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшди. У муҳим иқтисодий дастурларнинг муаллифи. Олим 160 дан ортиқ илмий асарларни нашр эттирди. И. Искандаров илмий кадрлар ва ёш мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор бераётир. Бевосита унинг раҳбарлигида 35 нафар киши номзодлик ва тўрт нафар олим эса фан доктори илмий даражасини ёқлади. Олим республикамизнинг эллик йил мобайнида ишлаб чиқарувчи кучларини ўрганиш ҳақидаги иши учун Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофотининг совриндори бўлди.

Олим бир неча маротаба хорижий мамлакатларда ўтказилган илмий анжуманларда иштирок этди. Унинг ҳамкорлик ишларини мустаҳкамлашдаги фаолияти ҳам диққатга моликдир. Бугунги кунда устозимиз «Ўзбекистон—Туркия» жамиятининг президенти, Ўзбекистон Фанлар академиясида чоп этиладиган «Ўзбекистон ижтимоий фанлар» ойномасининг бош муҳаррири.

О. ҲИКМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор.
К. ҲАСАНЖОНОВ,
Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси мухбир аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор.

СПОРТ

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● **УКРАИНА** футбол уюшмаси МДҲ миллий футбол уюшмаларига мурожаат қилди.

Маълумки, шу йилнинг июнида Швецияда ўтказиладиган Европа чемпионатидан кейин МДҲ терма жамоасининг фаолияти тугайди, деса ҳам бўлади. Шу боис, Украина футбол мутасадди-мутахассислари собиқ иттифоқдош республикалар терма жамоалари ўртасида саралаш ўйинлари ўтказишни таклиф қилдилар. Ана шу мусобақа ғолиби 1994 йили АҚШ да бошланадиган жаҳон чемпионатининг бешинчи гуруҳидан жой олиши мумкин. Украина футбол уюшмаси мазкур масала юзасидан май ойи охирида Киевда йиғилиб, маслаҳатлашиб олишни ҳам тавсия этмоқда.

● **ОЛИЙ ЛИГАЧИЛАР** Ўзбекистон чемпионатининг тўққизинчи тур ўйинлари бошланди. Пахтакорчилар «Чирчиқ» жамоасини қабул қилишди. Тўплар учрашувнинг иккинчи қисмида киритилди. Жумладан, пахтакорчиларнинг иккита тўпига битта жавоб қайтарилди. Шундай қилиб, «Пахтакор» жами очколарини тўққизтага етказди.

САЙЁРАМИЗ НАФАСИ

АШГАБАДДАГИ УЧРАШУВ

● **10 май куни Туркманистон пойтахтида олий даражада учрашув ўтказиш мўлжалланган.**

Унда Озарбайжон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Туркманистон давлатларининг раҳбарлари иштирок этишади. Шунингдек, Эрон ва Туркия раҳбарлари ҳам учрашувда қатнашадилар. Покистон ҳукумати вакилининг баёнотига қараганда шу мамлакат бош вазири Навоз Шариф ҳам Ашгабадга келади.

Покистон бош вазирининг учрашувда иштирокидан кузатилган бош мақсад Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти аъзолари ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришдан иборат.

Кенгашда нефть ва газ қазиб олиш ҳамда ундан фойдаланиш, темир йўл транспортини ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинади.

АФҒОНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТ

● **Афғонистон пойтахтида «Афғонистон ислом жамияти»нинг раҳбари Бурхониддин Раббони раислигида мужоҳидлар ўтиш даври кенгашининг мажлиси бўлган.**

Бир қатор, шу жумладан шариатга зид бўлган ҳамма қонун ва қарорларни бекор этиш тўғрисида ҳам қарорлар қабул қилинган.

Афғонистонда ўт очишни тўхтатиш тўғрисида битим имзоланган. Бу битимни ҳукумат номидан Бурхониддин Раббони, янги маъмурлар билан рақобат қилаётган гуруҳлар номидан Гулбиддин Ҳикматиёр имзолашган.

АҚШГА ТАШРИФ

● **Украина Президенти Леонид Кравчук АҚШ президенти Жорж Бушнинг таклифига биноан Вашингтонга келди.**

Украина президенти бу ерда Украина элчихонасини тантанали суратда очди.

НОМЗОДЛАРНИНГ ҒАЛАБАСИ

● **Шу йил ноябрь ойида Қўшма Штатларда президент сайлови ўтказилади.**

Республикачилар ва демократлар партияларидан шу лавозимга расмий номзод этиб кўрсатилиш учун курашаётган Ж. Буш ва губернатор Б. Клинтон Индиана, Шимолий Каролина штатлари ва Колумбия федерал округида бўлган дастлабки сайлов якунларига кўра навбатдаги яна бир ғалабага эришдилар.

Энди республикачилар партиясидан Ж. Бушнинг ва демократлар партиясидан Б. Клинтоннинг арзигулик рақиблари қолмади. Уларнинг муваффақиятига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

МУҲОКАМАДА ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАР

● **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Гали Германия федерал канцлери Гельмут Коль билан учрашди.**

Учрашувдан кейин Германия федерал канцлери журналистлар билан мулоқотда бўлди. У биз «совуқ уруш» тугагандан кейин ҳозир БМТ олдида очилган янги истиқболларни муҳокама қилдик, деди. Канцлер ҳозирги шароитда БМТ олдида янги вазифалар пайдо бўлаётганини уқтириб, жумладан, Шимол билан Жануб ўртасидаги можарога эътиборни қаратди.

(Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида тайёрланди).

• *Ҳаракатда—баракат*

ИМКОНИЯТ ҚИРРАЛАРИ

● Бозор иқтисоднёти ҳар бир корхона ёки ташкилот жамоасини омилкорлик билан ишлашга, қолаверса хўжалик юритишнинг самарали усулларидан кенг фойдаланишга ундамоқда. Хўжайли район халқ истеъмоли буюмлари фабрикаси ишчилари ҳам бу борадаги тадбирларни ҳамжиҳатлик билан амалга оширишяпти. Бу, албатта, корхона фаолиятига ижобий таъсир кўрсатяпти. Хўш, барқарорликка қандай қилиб эришилмоқда?

— Сир эмас, бугунги кунда истеъмол буюмларига бўлган талаб ошиб бораётир, — дейди фабрика директори, ЎзХДП аъзоси Б. Отажонов. — Бинобарин, асосий фаолият йўналишини ҳам шунга қаратишга тўғри келяпти. Ҳозир корхонамизда кўйлаклар, кўрпа-тўшак, ёстиқ, трикотаж буюмлари ишлаб чиқариляпти. Гилам ва полос цехлари ҳам маҳсулот бермоқда.

Дарҳақиқат, ўтган йили 2 миллион 457 минг сўмлик халқ истеъмоли буюмлари тайёрланди. Корхона ишлаб чиқаришини такомиллаштириш мақсадида эскирган ускуналар янгисига алмаштирилди. Қўшимча цехлар ишга туширилди. Малакали кадрлар танлашга ҳам эътибор кучайтирилди. Тадбиркор мутахассислар, ташаббускор ишчилар учун кенг имкониятлар яратилди. Энг муҳими, ишчи-хизматчиларни бозор муносабатлари шароитида ижтимоий ҳимоялашнинг пухта чоралари кўрилди.

Жумладан, ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш учун соф фойда ҳисобидан қарийб 923 минг сўм ажратилди. Меҳнат аҳлига овқатланиш учун 198,6 минг сўм маблағ тарқатилди. 600 минг сўм компенсация тўловлари жорий этилди. Илгари корхонада ишлаб ҳозир бола тарбияси билан машғул бўлган оналарга 123,5 минг сўм ёрдам пули берилди.

Бундан ташқари, 12 нафар кишига турар-жой қуриб олишлари учун ер участкалари олишда кўмаклашилди. 51 нафар нафақахўрнинг ҳар бирига 5 минг 180 сўмдан хайрия пули улашилди. Хуллас, фабрика жамоаси иш ва яшаш шароитларини яхшилаш имкониятлари излаб топилди.

Бироқ очиғини айтиш керак; фабрикада бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Дейлик, уч-тўрт ойга етарли хом ашё қолган. Таъминотчи ташкилотлар нархнавони рўкач қилиб, илгари имзоланган шартнома мажбуриятларини бажаришмаяпти. Фабрика маъмурияти хом ашёни мол айирбошлаш йўли билан топишга ҳаракат қиляпти.

Яна бир муаммо. Ишлаб чиқариш корпуси эскириб кетган. Тўғри, лойиҳасметаси 30 миллион сўмлик янги бино қурилиши бошлаб юборилди. Тахиатош гидроэнергетика қурилиш бошқармаси бинокорлари ушбу иншоотни қисқа муддатда тиклаб беришни ўз зиммаларига олишди. Лекин ҳозирги иқтисодий тангликлар шароитида фабрика янги корпусининг қурилиши осон кечмаяпти.

Ўйлаймизки, қурувчилар ваъдаларини бажаришади. Агар янги корпус ишга туширилса, фабрика 2200 кишини иш билан таъминлаши мумкин. Энг муҳими, халқ учун зарур бўлган истеъмол буюмлари тайёрлаш бирмунча кўпайган бўлур эди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



*

● Бешариқ районидаги «Яккатут» давлат хўжалигида «Наврўз» номли янги истироҳат боғи фойдаланишга топширилди. Боғ 6 гектар майдонни эгаллади. Дам учун бу ерда барча шароит мавжуд. Анҳор бўйидаги чойхона, сайл майдончалари, музқаймоқ дўкончалари дам олувчилар хизматида.

Истироҳат масканининг юзага келтирилишида хўжалик ҳисобидан деярли 1,5 миллион сўм пул сарфланди.

Суратларда: «Наврўз» номли истироҳат боғида.

Т. МАҲКАМОВ олган суратлар.

*

• *«Труд»нинг миси чиққан ҳабари*

ЁЛҒОН ГАПИР-У АММО ҲАДДИНГДАН ОШМА...

Етарли асосга эга бўлмай, шов-шув кўтариш Россиядаги айрим аҳборот воситаларининг одатдаги иш услуби бўлиб қолди. Ана шундай хабарлардан бири «Труд» газетасининг шу йил 30 апрель сонида «Всем кладам клад» («Буни хазина деса бўлади») сарлавҳаси остида эълон қилинди. Хабарда айтилишича, Тошкент вилоятининг «Янгийўл» давлат хўжалиги даласидан ҳар бири 100 килограммли 109 та энг олий сифатли қўйма олтин топилган эмиш. Мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида берилган бу хабар биздагина эмас, балки республикадан ташқарида ҳам турли миш-мишларга сабаб бўлди.

Ажабо, шунча соф олтинни далага ташлаб кетган ким экан? Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири Тошкент вилоятининг ички ишлар бошқармаси иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш бўлимининг бошлиғи, милиция майори М. Мирвакиловдан шу ҳақда гапириб беришни сўради.

— Воқеа 22 апрель куни соат 16 да содир бўлган,— деди у. — «Янгийўл» давлат хўжалиги идорасининг қоровули қандайдир шубҳали кишилар дала шийпони яқинидаги минерал ўғит сақланадиган жойга машинадан аллақандай юкларни тушираётганлигини милицияга хабар қилган. Участка вакили воқеа содир бўлган жойга етиб келган. Бироз вақт ўтгач, юкка дахлдор икки кишини учратган. Маълум бўлишича, уларнинг бири Тошкент шаҳар С. Раҳимов район ижроия комитетида рўйхатдан ўтган «Ризқ-насиба» кичик корхонаси директорининг тижорат ишлари бўйича муовини Александр Тен, иккинчиси «Дўстлик» тижорат фирмасининг ходими Олег Белоусов экан. Теннинг гувоҳлик беришича, юк шартнома асосида Литва Республикасининг Вильнюс шаҳридаги «Алкана» савдо уйига олиб кетилаётган экан.

— Шунча оғир юк ана шу овлоқ жойга нима мақсадда туширилган, юк машинасини ким ҳайдаб келган!

— Афсуски, ҳайдовчи юкни туширгач, навбатдаги юмуш билан республика ташқарисига чиқиб кетган. Транспорт ҳужжатларида қайд этилишича, у «Минмонтажспецстрой» автохўжалигига қарашли 47—96 ТНА машинасининг ижарачи ҳайдовчиси В. И. Плотнер экан. Ҳозирча биз шартли равишда олтин деб атаётган металлнинг нима учун далага туширib кетилганига келсак, О. Белоусов юкни А. Тенга топширолмаган ёки юкни четга олиб чиқиб кетишнинг имконини топмаган кўринади. Металл қаердан ортилганлиги эса В. И. Плотнер келгач аниқланади.

А. Тенга келсак, у металл «ЎзСИБ» номли тижорат фирмасидан олинганлигини айтмоқда. Транспорт ҳужжатларидаги думалоқ муҳрда ҳам «ЎзСИБ» ёзуви бор. Бироқ Тошкент шаҳар ҳудудида шундай корхона борлигини топиб бўлмади. Муҳрнинг қўлбола эканлигига ҳам етарли асос йўқ.

— Далага ҳақиқатан ҳам олтин ташлаб кетилган экан-ми!

— Газетхонни ҳанг-манг қилиб қўйган бу металл мис бўлиб чиқди. Олмалиқ кон-металлургия комбинати мутахассислари металлдаги белгиларга қараб, у Балхаш кон-металлургия комбинатида қуйилганлигини аниқлаб беришди. Ҳар бир қуймасининг узунлиги 1,30 метр, бўйи ва эни 9 сантиметрли 11 тоннага яқин бу ноёб металлнинг баҳоси 3 миллион сўмдан ортиқ.

— Хўш, олтин деб овоза қилиниб, вслида мис бўлиб чиққан буюмнинг эгаси ким, бу ишда жиноят аломатлари борми!

— Жиноят аломатлари кўриниб турибди. Чунки рангли металларни республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш учун Вазирлар Маҳкамасининг рухсати керак. Ҳозирча калаванинг бир учи қўлимизда, иккинчи учи қаерга бориб тақалиши сир бўлиб турибди. Уни топганимизда миснинг ҳақиқий эгаси маълум бўлади.

Шундай қилиб «Янгийўлда олтин топилибди, у фалон тонна эмиш, уни экскаваторчилар топиб олишибди» деган узунқулоқ гапларга ҳам, «Труд»нинг миси чиққан хабарига ҳам барҳам берилдиган бўлди.

П. НИШОНОВ.

• *МУШТАРИЙЛАР ХАТЛАРИНИ ЎҚИГАНДА...*

БЎШ ҚОП ТИК ТУРМАЙДИ

ЁКИ ЧАЙҚОВЧИНИНГ НОИНСОФЛИГИ ХУСУСИДА

● Ота-боболаримиздан мерос қолган бир мақол бор: «Қозонда бўлса, чўмичга чиқади». Ҳозир Ўзбекистоннинг қозонида нима бор? Масаллиқ бор, лекин ўчоқда уни пировард маҳсулотга айлантираётган олов сўст. Даромадга қараб буромад» дейдилар. Ҳозирча даромаддан қиқилганмиз. Аммо ҳар бир нарсанинг вақти-соати бор. Бирдан нарвоннинг тепасига чиқиш қийин.

Агар Президентимиз иқтисодчи бўлмаганларида, мен аминманки, бундан ҳам баттар мушкул аҳволга тушар эдик. У ҳар бир нарсани режа, расамади билан жойжойига қўйяпти. Эртага ҳаётимиз яхшиланишига кишилар қалбида умид чироғини ёқишга уриняпти. Зеро, унинг ҳаракатлари зое кетмагай. Унинг ўзи таъкидлаганидек, август-сентябрь ойларида ҳаётимизда қандайдир ижобий ўзгариш бўлишига умид бор.

Лекин «Бесабрнинг нафси шошар, тусагани кузда пишар» деганларидек, баъзи кишилар сабр-тоқат қилолмай дод-фарёд қилишга тушдилар. Бундай пайтда «Болта бўлсанг ур, кунда бўлсанг чида» дегинг келади-ку, бироқ... Ҳеч кимга осон тутиб бўлмайди. Ҳозир борига рози бўлиб, йўғига сабр қиладиган пайт. Шундай бўлса-да, таҳририят хатлар қутисига келаётган мактубларни ўқир экансан, яна доно халқимизнинг «Тоқатлига тоғлар эгар бошини, тоқатсизнинг бировлар ер ошини» деган нақли ҳаёлдан ўтади.

Шундай оғир бир пайтда бировнинг оғзидаги луқмасини тортиб олиш, бировнинг нонини туя қилмоқ ўта инсофсизликдир. Хатларнинг мазмуни ҳам шундай: «Бераман деган қулига, чиқариб қўяди йўлига, оламан деган қулидан, тортиб олади қўлидан».

Хўш, ким тортиб олмоқда? Халқнинг нонини арра қилаётганлар ким?

Ғавғо яна савдога тақалади. «Биз иқтисодий томондан қачон юксаламиз? — дея куюниб ёзади 4 фарзандининг онаси, қаршилик А. Пардаева. — Бу савол ҳозир ҳар бир инсоннинг қалбини кўринмас дард каби кемиради. Агар дўконларда халқ учун керакли моллар бўлмаса?... савдогарчилик ҳаддидан ошиб кетаётган бўлса?.. Нима қилиш керак ахир?

Бир мисол. Чироқчи ноҳиясининг Чияли деб аталувчи бозори бор. Бу бозорда одамнинг жонидан бўлак ҳамма нарса топилади. Лекин нархи осмонда. Ачинарлиси шундаки, давлат молини уялмай-нетмай қутурган суммада сотишади. Масалан, оддий конфетнинг бир килоси 60—70 сўм туради, оддий читнинг 1 метри 30—50 сўм, сатиннинг бир метри 50—55 сўм туради (маълумотлар январь ойи ҳисобида кетяпти, ҳозир яна ошган — (Т. Т.). Ана энди ҳақли бир савол туғилади: ахир чияликларнинг шахсий фабрикаси ёки заводи йўқ-ку, конфет ёки чит ишлаб чиқаришса? Демак, уларни манфаатдор кишилар товар билан таъминлаб турибдилар.

Тўғри, дўкон ходимларининг ойлик маоши кўп эмас. Лекин магазинга ишга келганига бир йил бўлмасдан ўша ходим машиналик, қўш хотинлик, қасрдек ҳовли-жойлик бўлиб қолади. Ҳайронман, уларнинг танобини тортиб қўядиган бирор бир мард борми?

Агар чайқовчи йўқолмас экан, халқ турмуши юксалмайди. Оғиздагини юлиб олувчилар бор экан, луқмаси бут бўлмайди».

Ҳақ гапни айтдингиз, ҳозир «Ерга тушгани етимники» бўлиб қолди. «Насиб этса, келар Шому Ироқдан, насиб йитса кетар қошу қабоқдан». Ҳозирча биз ўзимизни шундай деб овутамиз. Зора чайқовчи, олибсотарнинг жиловини тортадиган мардлар ҳам чиқиб қолса, ажаб эмас. Ҳозирча назоратчилар ҳам «Ўзумини еб, боғини суриштирмаётган» кўринади.

«Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак», — деб ёзади II гуруҳ ногирони чортоқлик Адашбой Асроров. — Ҳозир тушликда 15 — 20 сўмга қорин тўймай қолди. Берган нафақаси урвоқ ҳам бўлмайди. Ахир бир дона тухум 2 сўм, бир кило гуруч бозорда 18—25 сўм, бир кило мош 27—30 сўм, қанд 43—45 сўм бўлиб тургандан кейин қандай қилиб қорин тўйсин. Ахир бозор иқтисодиётининг ҳам чек-чегараси, охири бордир. Чирмовиқдек осмон сари юксалиб бораётган нарх-навони тўхтатадиган, тартибга соладиган бирор бир бозорқўм ёки бошқа бир идора борми? Ахир бу кетиш бўлса фақат қорин тўйдириш ғамида, хонавайрон бўламиз-ку!».

Эҳ, Адашбой ака, «Ютганнинг ўзингники, чайнаганнинг гумон» дейдиган пайт бўлиб қолди. «Чироқнинг ёруғи тагига тушмас»лигини билмайсизми? Бозор иқтисодиёти ҳам шунга ўхшайди, ака! «Очиқ оғиз оч қолмас». Хуллас, сабр қилинг, ойнинг ўн беши ёруғдир.

«Айниқса, эркин нархнинг жорий этилиши иситмамни кўтариб юборди, — деб ёзади шофирконлик меҳнат фахрийси 72 ёшли Раҳим ота Азимов. — Молларнинг нархига кўзим тушиши билан юрагим ўйнайди. Биз деҳқонмиз. Бир йилда бир-икки «керзивой» этик киямиз. Бир пайтлари дўконларнинг омборида чанг босиб ётган 11 сўмлик ўша «керзи» этик, э, воҳ, 235 сўм бўлибди. Оёқ остида ётадиган шиша 3 сўм, бир дона гугурт 1 сўм 13 тийин, эркакларнинг энг арзон кўйлаги 286—300 сўм. Ахир инсоф борми? Наҳотки нарх-наво 15—20 баравар ошса? Биз колхозчиларни бу нарх-наво ташвишга солиб қўйди. Оқ як-так кийилик, десак, у ҳам анқонинг уруғи, метри фалон сўм.

Бундан бир-икки йил илгари 100—120 сўм маош оладиган колхозчи ҳозир 350—400 сўм олаётир. Нафсиламрини айтганда, бу кундалик озиқ-овқатга ҳам етмайди. 9—10 нафар боласи бор колхозчи ҳам едириши, ҳам кийдириши керак. Бўш қоп эса тик турмайди.

Яна бир нарсага ҳайронман. Айрим дўконларда гўштнинг нархи ҳар хил. Бирида 45, бирида 55, яна бирида 60... Бу қанақаси? «Юртдан чиқсанг ҳам, эл-дўконларда аҳолига 1 метр ҳам мато сотилмади. Келгани ҳам ишчилар кооперацияси орқали, омборнинг орқа эшигидан чиқиб кетади. Дўкон ва омборларни ҳеч ким назорат қилмайди. Дўконларга кирсангиз худди бозордагидек, савдолашишади. Кооперациянинг 30 тага яқин савдо шохобчаси бор. Ҳаммасидаги бир хил маҳсулот 30 хил нархда сотилади, десам янглишмайман. Бironта молнинг нархи қоғозга ёзиб қўйилмаган. Наҳотки Пойариқ районида ҳеч ким савдодагиларнинг мушугини пишт деёлмаса?».

Эҳ, Яллабой ака, қизиқ экансиз, ахир назоратчилар ҳам, «Қайси равотда тўхтасанг, ўша равотнинг сувини ичасан» қабилида иш юритаётганга ўхшайди. Сотувчиларга эса «Фойдадан фойда чиқмаса, қора сигир қайда».

«Биздаги мавжуд кооператив дўконларда сотилаётган молларнинг кўпи давлатники. — деб ёзади Андижон вилояти Избоскан ноҳиясининг Шерматобод қишлоғида яшовчи 69 нафар қария номидан мактуб йўллаган Маҳмадалихон Воҳидов. — Эмблемасини ўзгартириб, устига ортиқча нарх қўйиб, аҳолини ранжитмоқдалар. Районимизда Маданият деган жой бор. Бу ерда ҳамма нарса бор. Лекин улар мен «кооперативчиман» деб сотиб ўтирган чайқовчиннинг қўлида. Хўш, бу ширкатчилар ноёб молларни қайси «корхонаси»дан олишади? Улар сотаётган моллар ахир давлатники-ку! Базадан, дўкондан олади, албатта. Нега қиммат? — деб сўрасангиз, бу «кооператив» дейди. — Керак бўлса олинг! Ахир шаҳар бедарвоза бўлмаса керак? Бундай кооперативларнинг бўлганидан бўлмагани яхши. Халқнинг шўри улар».

Бундай кооперативдагилар халқ нақлида айтилганидек, «Еб тўймаган — ялаб тўймас»га ўхшайди, отахон. Хафа бўлманг, «Дунё моли дунёда қолар».

О, нимасини айтасиз ҳозир «Қийин-қийин пахтакорга қийин бўлди. Эрта-ю кеч далада ишласа, қорни тўқ, эгни бут бўлмаса. Айниқса, даладаги қиз-жувонларнинг айтмайсизми, бир метр чит тополмай зор, — дея зорланади чиновник И. Хожмонов. — «Бўзчи белбоғга ёлчимайди» деганлари шу экан-да!».

Риштон районидаги Бўжай қишлоғида яшовчи Абдураҳим Сидиқов ҳам алам билан қўлга қалам тутибди: «Талон билан бериладиган озиқ-овқатлар қишлоқ фуқароларига белгиланган миқдорда етиб келмаяпти. Масалан, бизни қишлоқ дўконида 1991 йил бирор марта гўшт ва тухум бўлмади. Президент фермонларидан қувонамизу, аммо натижасини кўрмаяпмиз. Менимча қишлоқ жойларда фармонни ижро этувчиларни ҳам бир текширадиган мутасадди керак бўлиб қолди, шекилли».

Бир донишманднинг айтишича, киши мазали, тўйимли ширали овқатланса, мияси ҳам шунчалик равон ишлар экан, уйқуси тиниқ, бадани ташқи таъсирга чидамли бўлар экан. «Ёғи йўқ, қаймоғи йўқ чой қурсин, хайри йўқ, эҳсони йўқ бой қурсин» деганларидек, ҳозирги пайтда кўнгилдагидек овқатланишнинг ўзи бир муаммо. Аммо Ўзбекистоннинг келажаги бўлган болаларнинг ризқини ҳеч қачон қиймаслик керак. Таҳририятга келаётган аксарият хатларда шу хусусда гап боради...

Лекин қанчалик дод-фарёд қилмайлик «Қозонда бори чўмичга чиқади». Эртанги кундан умид катта. Шу боис мен ўз хулосамни яна бир муштарий — косонлик Улуғ Ватан уруши II гуруҳ ногирони, республика аҳамиятига молик шахсий нафақа олувчи Саъдулла ота Абдуллаевнинг сўзлари билан тугатмоқчиман: «Ҳозир нарх-навонинг кўтарилиши билан бироз қийинчиликлар сезилиб турибди. Бироқ мен буни вақтинчалик деб биламан. Бу айрим камчиликларни тезроқ бартараф этиш мақсадида Президентимиз И. А. Каримов тинмай изланишлар олиб бормоқдалар. Насиб бўлса, август, сентябрь ойларидан кейин ҳамма нарса ўз жойига келишига умид бор».

Ҳа, дўстлар биз ҳам умид қилиб қоламиз. Юракни кенг қилайлик. Айтадилар-ку: «Кенг бўлсанг, кам бўлмайсан».

Тўхтамурод ТОШЕВ.

• САНЪАТКОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

САҲНА ФАРЗАНДИ

ДЕВОНОВ «Наврўз» театр-студиясининг «Тоҳир ва Зуҳра» спектаклини кизиқиб томоша қилди. Асосий ролларни ижро этган ёш актёр-актрисаларнинг овозини, ижрочилигини кузатди. Ўрнидан тураркан, қувониб, «булардан умид қилса бўлади», деб қўйди ичида.

Фойеда бошқа қаторда ўтирган дўсти кутиб турган экан.

— Қалай? — деди у актёрнинг фикрини билишга шошилгандай.

— Яхши. Энг муҳими, қадрдон Тоҳирим билан учрашдим. Соғиниб юргандим.

— Нима, Бобохон сизники эмасми? — деди дўсти кутилмаганда.

— Узр, биродар, узр, — деди Девонов, дўстининг ҳазилига ҳазил билан жавоб бераркан. — Бобохон ҳам меники десам, қиличини олган деб қўрқиб кетасизми, деб ўйлабман!

Ҳамкасблар чин юракдан кулишди.

Актёрнинг дўсти тўғри гапни айтган эди. Тоҳир ҳам, Бобохон ҳам унга бирдай азиз ва қадрдон...

Халқимизга яхши таниш бўлган бу қаҳрамонларнинг биринчиси билан учрашганида Санъат Девонов йигирма уч яшарлик навқирон йигитча эди. Режиссёр Армуғон Муҳамедов «Тоҳир ва Зуҳра» пьесаси устида иш бошлар экан, ундаги бош роль— Тоҳирни ҳеч иккиланмай изланувчан Санъатга ишониб топширди. Халққа ёд бўлиб кетган, ниҳоятда масъулиятли образ, қандай бўларкин, чиқара олармикин, деган шубҳалар эшитилганида, устози «Семурғ»да Бунёдни, «Аршин мол-олон»да Асқарни ўйнаган актёр бу ролни ҳам албатта кутилганидай ижро эта олади», деб жавоб берганди. Ўшанда тажрибали актёр Рихсивой Шокиров: «ҳеч қандай иккиланишга ўрин йўқ, ахир, Санъатнинг ўн бир йиллик иш стажи бор-ку!» деб режиссёрни қўллаб-қувватлагани ҳам Девоновнинг эсида.

«Тоҳир ва Зуҳра» белгиланган муддатда тайёрланиб, театр мухлисларига кўрсатилди. Мутахассислар, маданият арбоблари ва кенг жамоатчилик спектаклни Огаҳий номидаги театрнинг энг йирик иши, вилоят маданий ҳаётида ажойиб воқеа, деб таъкидладилар. Санъат Девоновни эса «Хоразмнинг иккинчи Ваҳобжон Фаёзови» деб олқишладилар.

Орадан кўп ўтмай, спектакль ана шундай эътироф билан намойиш қилинаётган кунларнинг бирида Бобохон ролининг ижрочиси Рихсивой Шокировни Муқимий театрига таклиф қилиб қолишди. Актёр Тошкентга ишга ўтиб кетгач, театр маъмурияти олдида Бобохонни ким ўйнайди? деган муаммо пайдо бўлди. Аншлаг билан кетаётган спектаклни эса тўхтатиб бўлмасди. Р. Шокировнинг партнёри (ролни навбат билан ўйновчи) йўқ. Янги ижрочини топиб, аниқлаб, тайёрлагунча анча вақт кетади... Шунда бош режиссёр Зуҳур Қобулов жаҳон театр санъатида учраб турадиган бир тажрибани қўлланишга қарор қилди: Санъат Девоновнинг партнёри бор. Навбатчиси Тоҳирни ўйнаган куни у Бобохонни ижро этади. Уддасидан чиқади!

— Қисқа фурсатда тайёрлаб улгурармикин, — деди театр директори.

— Улгуради. Ахир, у Тоҳир орқали Бобохон билан курашавериб, «душмани»ни яхшилаб ўрганган. Қолаверса, «Фарҳод ва Ширин»да Хисравни ўйнаганку!

Зуҳур Қобулов янглишмаган экан. Одамларга меҳрибон, ҳалол, беғубор ва садоқат рамзи бўлган Тоҳирни муносиб талқин этган Санъат Девонов бутунлай бошқа бир олам вакили—золим ва шафқатсиз Бобохонни ҳам ўзидай қилиб саҳнада гавдалантира олди.

Бундай ижодий муваффақиятга актёр осонликча эришмагандир, дерсиз. Тўғри, аввало шуни ҳеч иккиланмай баралла айтиш мумкинки, актёрда худо берган талант, қобилият бор эди. Буни у ота-онаси хизмат қиладиган Хива колхоз-совхоз театри уруш йиллари қишлоқ дала шийпонларида, ҳатто молхоналарда спектаклларини кўрсатиб юрганида ўзига топширилган митти роллар мисолида исботлаганди. Ўшанда у эндигина ўн икки ёшга тўлган бола эди. Баъзан, «қўлбола» саҳнага чиққанида бўйи пастлик қилиб қолса, оёғи остига стулча қўйиб беришарди. Унинг тиришқоқлигини кўрган, уқувчанлигини, синчковлигини кузатган, ёдкашлигидан, уддабуронлигидан қувонган режиссёр ва театр жамоаси «ота-онанг санъаткор бўлмаганда ҳам сен барибир актёр бўларкансан», дейишарди.

— Аммо ота-онаси уни саҳнада йўргаклаб олганидан кўз юмиб бўлмайди, — дейди устози Салоҳиддин Камолов. — Онаси — фидойи санъаткор, актриса Бибижон Девонова томошабинлар кутиб қолмасин деб, оғироёқ бўлишига қарамай спектаклда иштирок этади. Кутилмаганда тўлғоқ тутиб қолади ва театрда опанинг кўзи ёрийди. Шу боис ўғилчага Санъат деб исм қўйишади. Ҳа, Санъат — саҳна фарзанди!

СУРАТЛАРДА: актёр Санъат Девоновнинг театр ва кино ролларидан намуналар (юқоридан пастга):
● «Жазирама қуёш остида» картинасида Рисқулов (чапда).
● «Беруний» спектаклида Беруний.
● «Али бобо ва қирқ қароқчи» фильмида Али бобонинг дўсти.

ОИЛАДАГИ муҳит, бу ерда тез-тез бўлиб турадиган ижодий суҳбатлар, гурунглар, давралар унинг мавжуд иқтидори шаклланишига, ўсишига ёрдам берди. Учинчидан, ёш Санъат Хоразм бадиий маданиятининг устозлари — Ваҳобжон Фаёзов, Комилжон Отаниёзов, Рихсивой Шокиров, Карим Полвонов, Салоҳиддин Камоловларнинг ижодини ўзи учун дастурламал билиб, тинмай ўрганиб борарди, тажрибаларидан ижодий фойдаланишга интиларди. Бирор янги роль яратса, албатта уларнинг назаридан ўтказиб оларди.

«Тоҳир ва Зуҳра»да ортгирилган тажриба айниқса «Алишер Навоий» драмаси саҳналаштирилганда қўл келди. Бу асарда Санъат Девонов аввал Ҳазрат Алишер Навоий ва Музаффар ролларини ижро этди. Кейинчалик Мўмин Мирзо ва Абдураҳмон Жомий образларини талқин қилди. Бир спектаклда вақти-вақти билан тўрт қаҳрамон сиймосини чизиб бериш факти миллий ижрочилигимизда кам учрайдиган ҳодиса. Актёрдан бунга қандай эришдингиз, деб сўрасангиз. «чунки, «Алишер Навоий» драмасини драма қилган, спектакль қилган Ҳамза театри тажрибасидек, Олим Хўжаев, Обид Жалилов, Сора Эшонтўраевалар маҳоратидек катта имконият бор эди», деб жавоб беради.

Лекин Санъат Девонов «Алишер Навоий» спектаклини бошқа бир шарофати учун алоҳида қадрлайди: актёр илк марта шу асарда улуғ сиймолар — Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий либосида саҳнада кўринди. Уларнинг руҳи қўлладими, кейинчалик талқин қилган Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Комил Хоразмий, Огаҳий, Феруз ролларини ҳам, ўзига хос қилиб муваффақиятли ижро этди. Бу асарлар биринчи навбатда унинг изланишлари ва янгича талқинлари туфайли Хоразм театри тарихида зарҳал саҳифалар бўлиб қолди.

Санъат Девонов театрдаги самарали ижодий фаолияти билан кўпроқ вилоят аҳли ўртасида машҳур бўлган бўлса, кино экрани шарофати билан бутун жумҳуриятимизга, қолаверса, чет элларга танилди.

Республикамизда режиссёрлар Владимир Басов ва Латиф Файзиев экранлаштирган «Амирликнинг емирилиши» фильмини кўрмаган томошабин бўлмаса керак. Ана шу машҳур картинадаги Шерали образини талқин этиш билан Санъат Девоновнинг кинодаги кўламдор фаолияти бошланган эди. Лекин Шералига етишиш қийин бўлганди. Синов майдонида қирқ талабгор — ижодкор йиғилган эди. Улар орасида атоқли актёрлар, кўплаб фильмларда роль ижро этиб, аллақачон элга танилган профессионал кино артистлари бор эди. Ана шундай масъулиятли ижодий баҳсда бахт Санъат Девоновга кулиб боқди.

Кинематографиядаги илк иши бўлишига қарамай, у Шерали образини ғоятда ҳаётий, чизгиларга бой қилиб тасвирлай билди. Бундан чексиз ҳурсанд бўлган режиссёр Латиф Файзиев уни навбатдаги фильмига ҳам таклиф қилди.

Атоқли кинорежиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Латиф Файзиев билан бўлган ҳамкорлик картинадан-картинага давом этди. Бугунги кунда ўзбек кино санъатининг энг яхши намуналаридан деб эътироф этилган «Қутлуғ қон», «Улуғбек юлдузи», «Иккинчи гуллаш», «Ганг устида қуёш», «Али бобо ва қирқ қароқчи», «Севги афсонаси» картиналарини Санъат Девоновсиз, унинг илҳомбахш, халқона талқинисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Актёрнинг кино майдонидаги изланишлари янада самарали бўлишида Малик Қаюмов, Комил Ёрматов, Йўлдош Аъзамов, Шуҳрат Аббосов сингари устоз режиссёрларнинг хизмати катта. Санъаткор кинода ҳозирга қадар қирқдан ортиқ фильмда қатнашиб, роль ижро этган бўлса, ҳаммаси ўзига хос, эсда қоларли, нафис бўёқларга бой.

Санъат Девонов айни кунларда Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театрининг директори лавозимидек ғоятда масъулиятли вазифада фаолият кўрсатмоқда. У театрда ижодий муҳитни мустаҳкамлаш, драматурглар билан жамоа ҳамкорлигини кучайтириш, репертуар савиясини кўтариш, актёр-актрисаларнинг янада самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш, имкониятларни қидириб топишдек долзарб ишларни асосий вазифалари деб билади.

— Директоримизнинг ташаббуси билан театримизда янги-янги асарлар пайдо бўлмоқда, сафимизга иқтидорли ёшлар келиб қўшилянти, жамоалар ва ташкилотлар билан алоқаларимиз кенгаймоқда, — дейди Халқ артисти, Давлат мукофотлари лауреати Ёқуб Аҳмедов. — Масалан, ҳозирги репертуаримиздан мустаҳкам ўрин олган «Тўмарис» спектакли шахсан у кишининг даъвати, жонкуярлиги туфайли дастурга киритилди ва саҳналаштирилди. Ундаги бош ролни ижро этган Малика Иброҳимованинг талқини, аниқроғи, Тўмариси биз учун ҳам, мухлисларимиз учун ҳам янгилик бўлди.

Ишдан қайтган Санъат акани эшик олдида одатдагидек рафиқаси Роза опа неваралари билан кутиб олди.

— Келишингиздан беш минут олдин телевидениедан қўнғироқ қилишди, — деди у, — «Тоҳир ва Зуҳра» ижрочилари» мавзуида кўрсатув тайёрлашмоқчи экан. Сизни ҳам таклиф этишди.

— Қатнашсам, Тоҳир ролида чиқиб, ариясини ижро этиб берасиз, деб қолишса, қандай бўлади, онаси, олтмиш ёшли одамга ярашадими?

— Яхши бўлади, ярашади, айб эмас, адаси, ахир бу — ижод, санъат!

— Унда вақт кетмасин, ичкаридан дарров китобни олиб чиқинг, Гулим.

— Ие, адаси, Тоҳирмисиз, Навоиймисиз?!

Хонада дилкаш, самимий кулгу янгради...

Ўзбекистон халқ артисти Санъат Девонов муваффақиятининг яна бир сири оилавий меҳр-мурувват ва тотувлик рамзи бўлган мана шу дилбар самимийликда эди!

Юсуф БЕРДИЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

А. ИКРОМОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ МУҲАНДИСЛАРИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1992 йилга аспиратнурага қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

—ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда: «Машиналар, асбоблар ва аппаратуралар динамикаси бардошлиги»; «Механизмлар ва машиналар назарияси»; «Амалий геометрия ва инженерлик графикаси», «Кўприклар ва транспорт ер остки ўтиш йўллари», «Чала ўтказгичлар ва диэлектриклар назарияси».

Аспирантурага қабул ҳақидаги ҳужжатлар 15 октябргача қабул қилинади. Танлов кириш имтиҳонлари 15 ноябрдан 15 декабргача ўтказилади. Аспирантурага кирувчилар олий ўқув юртларининг дастури ҳажмида фалсафа ва чет тилидан кириш имтиҳонларини топширадилар, шунингдек, кўзланган илмий раҳбарият билан дастлабки мажбурий суҳбатдан ўтадилар.

Аспирантурага қабул билан боғлиқ бўлган барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилгоҳга жойлашган олий билимгоҳнинг илмий-тадқиқот шўъбасига мурожаат этилсин: 700045, Тошкент шаҳри, Л—45, И. Одилхўжаев кўчаси 1-уй. Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари олий билимгоҳи.

Телефонлар: 990565, 990504, темир йўл телефони: 57-565.

Давлат илмий тадқиқот техника институтининг Ўрта Осиё тажриба заводи қошидаги

«УЗБЕКСТАНОКСЕРВИС»

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТИЖОРАТ ФИРМАСИ

— ТУРЛИ ХИЛ МЕТАЛЛ ҚИРҚИШ УСКУНАЛАРИНИ КИЧИК, ЎРТА ВА КАПИТАЛ РЕМОНТ ҚИЛАДИ.

— УСКУНАЛАРНИ МОНТАЖ ҚИЛАДИ.

— ИШГА ТУШИРИШ ВА СОЗЛАШ ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ҲАМЗА РАЙОНИ, ГЕНЕРАЛ ПЕТРОВ КЎЧАСИ, 331-УЙ, КАДИШЕВ НОМЛИ 33-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ.

ТЕЛЕФОН: 96-49-64.

«СРЕДАЗЦВЕТМЕТЭНЕРГО» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРЕСТИ ИЖАРАЧИЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ «ПРИБОР»

КИЧИК ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

ТАЙЁРЛОВЧИНИНГ Д16Т МАТЕРИАЛИДАН ТОКАРЛИК, ФРЕЗЕРЛИК ИШЛАРИ УЧУН, ҚОЛИПЛАШ ИШЛАРИГА, НОСТАНДАРТ АСБОБ-УСКУНАЛАР, ТОРШЕРЛАР УЧУН ЎТКАЗИШ ВИКЛЮЧАТЕЛЛАРИНИ, УЗУНЛИГИ 1,7 МЕТР БЎЛГАН ҚУИМА ШВП-2Х 0,5 ВИЛКАЛИ УЛАГИЧ ШНУРЛАРНИ ВА М-4 ГАЙКАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАБ БЕРИШГА

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳар, Урожайная кўчаси, 2-а. (11-Т автобуси, Ҳувайдо бекати).
ТЕЛЕФОНЛАР: 46-02-83, 46-04-75.
ТЕЛЕТАЙП: 116527 «Искра».

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИЛМГОҲИ

1992 йил учун қуйидаги муаммолар бўйича кундузги ва сиртқи аспирантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— Қишлоқ хўжалигида ижара ва кооператив муносабатларининг тараққиёти (1 ўрин, кундузги).

— Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатни ташкил қилиш ва рағбатлантириш (1 ўрин, сиртқи).

— Агросаноат тизимида баҳо ва молиявий бошқариш (2 ўрин, кундузги ва сиртқи).

— Агросаноат комплексида хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш (1 ўрин, кундузги).

— Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш (1 ўрин, сиртқи).

— Деҳқон (фермер) хўжаликларининг ташкил қилиниши ва тараққиёти (1 ўрин, сиртқи).

— Қишлоқнинг социал-итисодий тараққиёти (1 ўрин, кундузги).

— Бозор муносабатлари шароитида ер-сув ресурсларидан фойдаланиш (1 ўрин, сиртқи).

— Агросаноат комплекси келажак тараққиётининг илмий асослари (2 ўрин, кундузги ва сиртқи).

Аспирантурага кирувчилар директор номига ёзилган ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширадилар, кадрларни ҳисобга олиш варақаси таржимаи ҳоли, тавсифнома, диплом ва баҳолар варақасининг нусхаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, илмий мақолалар рўйхати ёки танланган мавзу бўйича реферат.

Кириш имтиҳонлари Олий таълим дастурида фалсафа, чет тили ва мутахассисликдан шу йилнинг сентябрь ойида қабул қилинади.

Ҳужатлар 15 июлгача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700097, Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 28-уй, 2-қават, 5-хона, аспирантура бўлими. ТЕЛЕФОНЛАР: 76-84-20, 76-86-00.

ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

кафедралар бўйича бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар: сиёсий тарих, ҳисоблаш техникаси;

доцентлар: эҳтимоллар назарияси, сиёсий тарих, ҳисоблаш техникаси, товаршунослик (2), агробизнес, саноат ва қурилишда бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятини таҳлили (2), технологиялар тизими, саноат иқтисоди (2), умумиқтисодий ихтисослар бўйича фалсафа; савдо менежменти, олий математика;

катта ўқитувчилар: макро-иқтисод ва ижтимоий ривожланишни олдиндан кўра билиш ва бошқариб бориш, рус тили (2), ишлаб чиқариш воситалари тижорати ва маркетинги;

ассистентлар: ҳисоблаш техникаси;

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг тайёрлов бўлими: тиллар кафедраси: мудир, катта ўқитувчилар (3), ўқитувчилар (3).

Танлов муддати — 4 июнгача.

МАНЗИЛИМИЗ: Ўзбекистон кўчаси, 49-уй.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

МИКРОБИОЛОГИЯ ИЛМГОҲИ

1992 йил учун қуйидаги ихтисослар бўйича

ҚУНДУЗГИ АСПИРАНТУРАГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

микробиология (2), биотехнология (2) ва биокимё (1).

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700128, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 7 «Б» уй. Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология илмгоҳи, илмий котибга.

Телефонлар: 41-83-31, 44-25-19.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ОЛИЙ МАКТАБИ

1992—1993 ўқув йили учун

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мактабга ўрта маълумотли, ички ишлар органларининг талабига жавоб берадиган, ёшлари 17 дан 25 гача бўлган, соғлом, ҳарбий хизматга ва ўқишга яроқли фуқаролар қабул қилинади.

Батафсил маълумотларни турар жойлар бўйича вилоятлардаги ички ишлар бошқармасининг шахсий таркиби билан ишлаш хизматининг кадрлар бўлимидан олишингиз мумкин.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси Бошқаруви жамоаси санъатшунослик номзоди, мусиқашунос

Карима опа (Олимбоева) АҲМЕДОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳуманинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли «Биолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўсимликлар экспериментал биологияси институти жамоаси Бирлашма лаборатория мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Р. Н. Нурматовга онаси

Бумайрам МАМАСИДДИҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

389.680 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—128.

№ 91.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.